АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ ОЙБЕК ЎКТАМ ЎҒЛИ

СУРУНКАЛИ ИС ГАЗИ ТАЪСИРИДА ТИМУС ВА ТАЛОҚДА КУЗАТИЛАДИГАН МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА БУНГА БИОФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

УЎК: 611.438 : 612.41 : 661.974 : 615.322 - 08

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Қодиров Ойбек Ўктам ўғли
Сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар ва бунга биофаол моддаларнинг таъсири.....3

Кодиров Ойбек Уктам угли
Морфофункциональные изменения в тимусе и селезёнке при хроническом воздействии

Qodirov Oybek O‘ktam o‘g‘li
Morphofunctional Changes In The Thymus And Spleen Under Chronic Carbon Monoxide Exposure And The Effect Of Bioactive Substances On Them.....64

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 65

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ ОЙБЕК ЎКТАМ ЎҒЛИ

СУРУНКАЛИ ИС ГАЗИ ТАЪСИРИДА ТИМУС ВА ТАЛОҚДА КУЗАТИЛАДИГАН МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА БУНГА БИОФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Tib1295 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Тешаев Шухрат Жумаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Расулов Хамидулла Абдуллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Курбанов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Раджабов Ахтам Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Соглик билимлар университети (Туркия).**

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: info@bsmi.uz. .

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: info@bsmi.uz.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Р.Облоқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Қ.Дўстова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

М.Р.Мирзоева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда саноатлаштириш ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар таркибида ис газининг улуши ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (WHO) маълумотларига кўра, «...CO газининг инсон организмига таъсири кўпинча яширин кечиб, клиник жиҳатдан кеч аниқланиши ҳамда узоқ муддатли тизимли ўзгаришларга олиб келиши билан тавсифланади…».[1]

Иммун тизимининг асосий марказий органларидан бири бўлган тимус ҳамда периферик лимфоид аъзо ҳисобланган талоқ сурункали ис гази таъсирига айниқса сезгир бўлиб, уларнинг структуравий ва функционал яхлитлигининг бузилиши иммун жавобнинг сусайишига, адаптацион имкониятларнинг чекланишига ҳамда организмнинг инфекцион ва токсик омилларга нисбатан қаршилигининг пасайишига сабаб бўлади. Шунга қарамай, сурункали ис гази фонида айнан тимус ва талоқда кечадиган морфофункционал ўзгаришларнинг механизмлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ривожланиш динамикаси етарли даражада тизимли ўрганилмаган. Сўнгги йилларда экологик токсик омиллар таъсирини камайтириш ва организмнинг адаптацион-иммун имкониятларини тиклашда биофаол моддалар қўллаш истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Биофаол моддаларнинг антиоксидант, мембранопротектив ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларнинг сурункали интоксикация шароитида юзага келадиган патологик ўзгаришларни коррекция қилишда самарали восита сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Бироқ сурункали ис гази таъсири фонида тимус ва талоқдаги морфофункционал бузилишларга биофаол моддаларнинг таъсирини экспериментал жиҳатдан асослаш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни даволашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу бўйича мамлакатимизни 2022–2026 йиллар давомида ривожлантириш стратегиясида баён этилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»[2] вазифалари белгиланган. Шунга асосан ис газининг инсон организми аъзоларига таъсири оқибатидаги морфологик ўзгаришлар даражасини тажрибавий тадқиқотлар асосида солиштирма ўрганиш, биологик фаол қўшимча ёрдамида зарарланган организмдаги ис гази таъсирини камайтириш бўйича янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш долзарбдир.

---

[1] World Health Organization. *Carbon monoxide poisoning*. Geneva: WHO; 2021. Manbaat: https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/carbon-monoxide-poisoning

[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarda Yangi O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risida» gi farmoni

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 январдаги ПҚ–38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон–2030 стратегияси» ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.[3]

Тажрибада ис газининг тимус ва талоқдаги морфометрик ўзгаришлар ва инсон организмига салбий таъсири жуда хилма-хил бўлиб, бу долзарб муаммони ҳал қилиш учун бутун дунёда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ишлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида — Western Kentucky University, Dominican University of California, Harvard University, University of Missouri–Columbia, University of Nebraska–Lincoln, Colby College (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия)да олиб борилган.

Тажрибада ис газидан заҳарланиш ҳолатида гулимахсар ўсимлиги билан коррекциялаш ҳамда анъанавий даво муолажаларини қўллашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: The University of Edinburgh (Англия), University of California, Pukyong National University (Корея), Harvard University, University of Pavia (Италия), Colorado State University, Emory University (АҚШ), University of Murcia (Испания), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Russian Academy of Scienceснинг Санкт-Петербург бўлими (Россия), Қозон илмий-тадқиқот институтлари ва Tashkent Medical Academy, шунингдек, Bukhara State Medical Instituteда (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда инсонларнинг ис газидан заҳарланиши, ўлим сонининг кўпайиши ис газидан заҳарланганда самарали тиббий ёрдам ва даволашнинг янги дори воситалари ҳамда усулларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Ис газини даволашда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, даволашнинг токсиклиги жуда катта муаммо ҳисобланади. Ис газидан ривожланадиган заҳарланишда тимус ва талоқ шикастланиши дорилар концентрациясининг ўзгариши ёки ошишига олиб келиши мумкин, бу эса уларнинг токсиклигини оширади, касалхонада қолиш муддатини узайтиради ва ўлим кўрсаткичларини оширади (Debre Berhan Universitynинг Ҳайвоншунослик

[3] Dissertatsiya mavzusi bo‘yicha xorijiy ilmiy tadqiqotlar sharhi: https://www.mdpi.com/2076-3921/12/8/1566?utm_source,https://www.researchgate.net/publication/385828918_The_Effect_of_Pomegranate_Peel_Extract_on_the_Oxidative_and_Inflammatory_Status_in_the_Spleens_of_Rats_with_Metabolic_Syndrome?utm_source,https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0955286316000401?utm_source, https://www.frontiersin.org/journals/nutrition/articles/10.3389/fnut.2025.1528897/full?utm_source, https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0955286316000401?utm_source

кафедраси ҳамда Jimma Universitynинг Ветеринария тиббиёти кафедраси, Эфиопия).

Ҳозирги вақтда атмосферанинг токсик ифлосланиши глобал соғлиқни сақлаш муаммоларидан бири бўлиб, айниқса углерод оксиди билан заҳарланишлар ингалацион токсикозларнинг энг кўп учрайдиган шаклларидан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича углерод оксиди билан заҳарланиш ҳар йили минглаб касалланиш ва ўлим ҳолатларига сабаб бўлмоқда (Маттиуцци С., Липпи Г., 2020).

Углерод оксиди рангсиз ва ҳидсиз газ бўлиб, у организмга нафас йўллари орқали кириб, гемоглобин билан юқори аффинитетли боғланади ҳамда тўқималарда гипоксик жараёнларни ривожлантиради. Натижада юрак-қон томир тизими, марказий асаб тизими ва иммун тизим органларида функционал бузилишлар юзага келади (Роуз Ж.Ж. ва бошқалар, 2021).

Замонавий эпидемиологик кузатувлар натижаларига кўра, углерод оксиди билан заҳарланишлар маиший шароитларда, айниқса ёпиқ жойларда ёқилғи маҳсулотларининг нотўғри ёниши натижасида кўпроқ учрайди. Айрим тадқиқотчилар бундай заҳарланишлар умумий ингаляцион токсик жароҳатларнинг 20–30 фоизгача қисмини ташкил этишини таъкидлайди (Ҳэмпсон Н.Б. ва бошқалар, 2022).

Сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар углерод оксиди нафақат ўткир заҳарланишларни, балки организмда узоқ муддатли морфологик ва функционал ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаришини кўрсатмоқда. Хусусан, лимфоид органлар ва иммун тизим ҳужайраларида дегенератив жараёнлар ҳамда оксидатив стресснинг кучайиши кузатилади (Горман Д., Дрюри А., 2023).

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, углерод оксидининг сурункали таъсири организмда гипоксия, оксидатив стресс ва митохондриал дисфункция жараёнларини фаоллаштириб, ҳужайра метаболизми ҳамда иммун жавоб механизмларининг бузилишига олиб келади (Эрнст А., Зибрак Ж., 2024).

Юқорида келтирилган хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сурункали ис гази таъсирининг организмга кўрсатадиган зарарли таъсири, айниқса гипоксия, оксидатив стресс ва иммунологик бузилишлар билан боғлиқ патогенетик механизмлари кенг ўрганилган. Бироқ мавжуд тадқиқотларда тимус ва талоқда юзага келадиган морфологик, морфометрик ҳамда иммуногистокимёвий ўзгаришлар турли ёш даврлари нуқтаи назаридан комплекс баҳоланмаган, шунингдек ушбу ўзгаришларни гулимахсар ва қушқўнмас каби ўсимлик манбасидаги биофаол моддалар ёрдамида коррекция қилишнинг морфологик механизмлари етарлича ёритилмаган. Айниқса, рақамли морфометрия, иммуногистокимёвий таҳлил ва сунъий интеллект технологиялари асосида ушбу жараёнларни комплекс баҳолашга бағишланган тадқиқотлар деярли учрамайди.

Шу муносабат билан мазкур диссертация сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда ривожланадиган морфофункционал ўзгаришларни турли ёшдаги лаборатория ҳайвонларида комплекс баҳолаш, уларнинг иммуногистокимёвий хусусиятларини аниқлаш ҳамда гулимахсар ва қушқўнмасдан олинган биофаол моддаларнинг протектив самарадорлигини

илмий асослаш орқали мазкур йўналишда мавжуд илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда сурункали углерод оксиди таъсирининг организмда гипоксия, оксидатив стресс ва митохондриал дисфункцияни ривожлантириши, бунинг натижасида ҳужайра метаболизми ҳамда иммун жавоб механизмларининг издан чиқиши илмий жиҳатдан асосланган (Gorman D., Drewry A., 2023). Экспериментал тадқиқотлар углерод оксиди таъсири лимфоид органларда лимфоцитлар пролиферациясининг сусайиши, апоптотик жараёнларнинг фаоллашиши ҳамда иммунокомпетент ҳужайралар сонининг камайишига олиб келишини кўрсатган (Ernst A., Zibrak J., 2024).

Айрим муаллифлар сурункали углерод оксиди таъсири тимус инволюциясини тезлаштириши, Т-лимфоцитлар дифференциациясини издан чиқариши ҳамда иммунокомпетент ҳужайралар функционал фаоллигини сусайтиришини таъкидлаганлар (Hampson N.B. ва бошқалар, 2022). Бошқа тадқиқотларда эса асосий эътибор талоқ тўқимасидаги морфологик ўзгаришларга қаратилиб, оқ пульпа, лимфоид фолликулалар ва маргинал зонанинг структураси бузилиши ҳамда иммун жавоб самарадорлиги пасайиши қайд этилган (Wang W. ва бошқалар, 2025). Шу билан бирга, Sircar K. ва ҳаммуаллифлар (2015) углерод оксиди билан заҳарланишда иммунорегулятор механизмлар издан чиқиши лимфоцитлар популяциясининг камайиши билан кечишини кўрсатганлар.

Сўнгги йилларда ўсимлик манбасидаги биофаол моддаларнинг антиоксидант, мембранопротектив ва иммуногистокимёвий кўрсаткичлари кенг ўрганилиб, уларнинг токсик таъсир натижасида ривожланган морфологик ҳамда функционал бузилишларни қисман бартараф этиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар келтирилган (Anand J. ва бошқалар, 2024). Бироқ ушбу тадқиқотларда асосан биокимёвий ёки физиологик кўрсаткичлар баҳоланган бўлиб, лимфоид органларда кечадиган морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларни комплекс таҳлил қилишга етарлича эътибор қаратилмаган.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ташқи муҳитнинг турли зарарли омиллари таъсирида иммун тизими аъзоларида кечадиган морфологик ўзгаришлар кенг ўрганилган. Хусусан, Тешаев Ш.Ж. (2018, 2021) томонидан ташқи муҳитнинг токсик омиллари таъсирида лимфоид аъзоларда ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ҳамда уларнинг патогенетик механизмлари тадқиқ этилган. Асадова Н.Х. (2020) тадқиқотларида турли ташқи муҳит омиллари таъсирида тимуснинг морфофункционал хусусиятлари, ёшга боғлиқ ўзгаришлари ва лимфоид тўқима архитектоникаси таҳлил қилинган. Жўраева Ф.Э. (2022) ишларида эса тимус тўқимасида турли экзоген омиллар таъсирида юзага келадиган морфологик ўзгаришлар ҳамда уларнинг морфологик баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда кечадиган морфологик, морфометрик ҳамда иммуногистокимёвий ўзгаришлар турли ёш даврлари кесимида комплекс баҳоланмаган. Шунингдек, гулимахсар ва қушқўнмас асосидаги биофаол моддаларнинг мазкур аъзолардаги протектив

таъсири рақамли морфометрия ва иммуногистокимёвий усуллар асосида қиёсий жиҳатдан ўрганилмаган.

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд ишларда сурункали углерод оксидининг умумий патогенетик таъсир механизмлари кенг ёритилган бўлса-да, унинг тимус ва талоқда ривожланадиган морфофункционал ҳамда иммуногистокимёвий ўзгаришлари, уларнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари ва биофаол моддалар таъсиридаги коррекция механизмлари етарлича тадқиқ этилмаган. Айниқса, рақамли морфометрия, иммуногистокимё ва сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ушбу жараёнларни комплекс баҳолашга бағишланган тадқиқотлар амалда мавжуд эмас.

Шу муносабат билан сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда юзага келадиган морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларни комплекс баҳолаш, уларнинг ёшга боғлиқ хусусиятларини аниқлаш ҳамда гулимахсар ва қушқўнмас ўсимликларидан олинган биофаол моддаларнинг протектив самарадорлигини илмий асослаш ушбу диссертациянинг асосий илмий вазифасини ташкил этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий- тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда кузатиладиган морфофункционал ўзгаришларни аниқлаш ва биофаол моддалар таъсирини ўрганишдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

назорат гуруҳидаги 3 ва 9 ойлик эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушлар тимус ва талоғининг морфологик ҳамда морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш;

сурункали ис гази таъсири натижасида 3 ва 9 ойлик эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушлар тимус ва талоғида юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни аниқлаш;

сурункали ис гази таъсиридан сўнг гулимахсар ўсимлиги билан коррекция қилинган 3 ва 9 ойлик эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушлар тимус ва талоғидаги морфологик ҳамда морфометрик ўзгаришларни баҳолаш;

сурункали ис гази таъсиридан сўнг қушқўнмас ўсимлиги мойи билан коррекция қилинган 3 ва 9 ойлик эркак жинсига мансуб оқ зотсиз каламушлар тимус ва талоғидаги морфологик ҳамда морфометрик ўзгаришларни аниқлаш;

9 ойлик назорат, сурункали ис гази таъсир эттирилган ҳамда қушқўнмас ўсимлиги мойи билан коррекция қилинган каламушлар тимус ва талоғидаги иммуногистокимёвий ўзгаришларни қиёсий баҳолаш;

9 ойлик назорат, сурункали ис гази таъсир эттирилган ҳамда гулимахсар ўсимлиги билан коррекция қилинган каламушлар тимус ва талоғидаги иммуногистокимёвий ўзгаришларни қиёсий баҳолаш;

9 ойлик назорат, сурункали ис гази таъсир эттирилган ҳамда биофаол моддалар билан коррекция қилинган каламушлар тимус ва талоғидаги функционал ўзгаришларни иммунофенотиплаш усули асосида қиёсий баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида эркак жинсига мансуб, 3 ва 9 ойлик оқ зотсиз каламушлар ўрганилган.

Тадқиқот предмети бўлиб тажриба каламушларининг тимус ва талоғидан олинган гистологик материал хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда морфометрик, гистологик, иммуногистокимёвий, статистик усуллардан ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали ис гази таъсири натижасида 3 ва 9 ойлик оқ зотсиз каламушларда тимус кортекса ва медулласининг нисбий майдонлари ўзгариши, кортекснинг атрофияси ҳамда медулла улушининг ортиши, талоқда эса оқ пульпа ва лимфоид фолликулаларнинг редукцияси, герминатив марказлар фаоллигининг пасайиши ва ҳужайравий регрессия жараёнларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари аниқланган;

илк маротаба сурункали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги билан коррекция қилиш орқали тимусда кортекс ва медулла нисбатининг меъёрлашуви, лимфоцитлар зичлигининг ортиши ҳамда талоқда оқ пульпа ва лимфоид фолликулалар структурасининг тикланиши, герминатив марказлар фаоллигининг ошиши билан намоён бўлиши исботланган;

сурункали ис гази таъсиридан кейин қушқўнмас ўсимлиги мойи таъсирида тимусда кортекс–медулла нисбатининг меъёрлашуви, лимфоид ҳужайралар зичлигининг ортиши, талоқда оқ пульпа ва лимфоид фолликулалар архитектоникасининг сақланиши ҳамда деструктив ўзгаришларнинг камайиши илмий асослаб берилган;

биринчи марта назорат, сурункали ис гази таъсир эттирилган ва коррекция қилинган гуруҳларда тимус ҳамда талоқ тўқималарида CD3, CD20 ва Bcl-2 маркерлари экспрессиясида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланиб, биофаол моддалар таъсирида иммунокомпетент ҳужайралар экспрессиясининг меъёрлашиш тенденцияси аниқланган;

суринкали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги дамламаси ва қушқўнмас ўсимлиги мойи қўлланилганда тимус ва талоқдаги деструктив морфологик ўзгаришларнинг камайиши, лимфоид тузилмалар архитектоникасининг сақланиши ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичларнинг меъёрлашиш тенденцияси аниқланиб, илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали ис гази таъсиридан олдин ва кейин тимус ҳамда талоқ тўқималарининг морфологик тузилишини ўрганиш натижаларига кўра, организмда юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларнинг мураккаб патогенетик механизмлари аниқланган. Аниқланган морфологик ўзгаришлар сурункали гипоксияга хос морфологик белгилар билан тавсифландиб, лимфоид тўқималарда дегенератив жараёнлар, лимфоцитлар камайиши ҳамда стромал

элементларнинг структуравий бузилишлари кузатилиши илмий асослаб берилди;

биофаол моддалардан (гулимахсар ўсимлиги ва қушқўнмас мойи) фойдаланиш орқали даволаш-профилактик чора-тадбирлар ўтказилгандан сўнг оқ зотсиз лаборатория каламушларида сурункали ис гази сабаб бўлган тимус ва талоқнинг структуравий ўзгаришлари сезиларли даражада камайиши аниқланган. Олинган натижалар биофаол моддаларнинг энг самарали дозаларини белгилаш имконини берди. Бундан ташқари, биофаол моддаларнинг оптимал дозаларини танлаш ҳамда уларнинг турли ёш гуруҳларидаги ҳайвонларга таъсирини аниқлаш бўйича батафсил экспериментал алгоритм ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм токсик газ таъсирида иммун тизим органларининг шикастланиш даражасини баҳолаш ва коррекция қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

олинган маълумотлар сурункали ис гази таъсири натижасида тимус ва талоқда юзага келадиган морфофункционал ўзгаришлар асосида профилактик ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берди. Тадқиқот натижалари назарий тиббиёт, экспериментал морфология ва амалий соғлиқни сақлаш тизимида токсик газлар билан боғлиқ патологик жараёнларнинг олдини олиш ҳамда иммун тизимни ҳимоялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган тадқиқотнинг услубий ёндашуви, экспериментал ҳайвонларнинг етарли миқдорда танланганлиги, замонавий ва ўзаро боғлиқ бўлган морфологик, морфометрик, лаборатор ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланиш билан асосланди. Шунингдек, олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари сурункали ис гази таъсирида иммун тизимининг марказий ва периферик органлари ҳисобланган тимус ҳамда талоқда ривожланадиган морфологик ўзгаришларнинг ёшга боғлиқ хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги мавжуд илмий тасаввурларни кенгайтириш имконини берди. Аниқланган морфологик ўзгаришлар сурункали гипоксияга хос белгилар билан тавсифланиб, лимфоид тўқималарда кечадиган морфофункционал жараёнларнинг патогенетик механизмларини янада чуқурроқ тушунишга хизмат қилди. Шунингдек, олинган натижалар иммун тизими аъзоларидаги морфологик қайта қурилишларни баҳолашнинг морфометрик ва иммуногистокимёвий мезонларини такомиллаштиришга ҳамда токсик таъсир шароитида юзага келадиган ўзгаришларни баҳолашнинг илмий-методик асосларини бойитишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижалари асосида сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда ривожланадиган морфологик ҳамда иммуногистокимёвий ўзгаришларни баҳолаш мезонлари такомиллаштирилди. Олинган маълумотлар токсик гипоксия натижасида иммун тизими аъзоларида юзага келадиган ўзгаришларни эрта аниқлаш, уларнинг оғирлик даражасини баҳолаш ҳамда биофаол моддаларнинг протектив самарадорлигини морфологик мезонлар асосида баҳолашда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари патологик анатомия, морфология, токсикология ва иммунология соҳаларидаги илмий тадқиқотлар

ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш учун илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар ва бунга биофаол моддаларнинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: суринкали ис гази таъсири натижасида 3 ва 9 ойлик оқ зотсиз каламушларда тимус кортекса ва медулласининг нисбий майдонлари ўзгариши, кортекснинг атрофияси ҳамда медулла улушининг ортиши, талоқда эса оқ пульпа ва лимфоид фолликулаларнинг редукцияси, герминатив марказлар фаоллигининг пасайиши ва ҳужайравий регрессия жараёнларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари аниқланган таклифлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 29.12.2025 йилдаги 271-сон, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 31.01.2026 йилдаги 6-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 26.12.2025 йилдаги 432-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: суринкали ис гази таъсирида иммун тизим органларида юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларни эрта аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиб, захарланишнинг оғир асоратларини камайтириш имконияти яратилди. Биофаол моддаларнинг протектив таъсири илмий асосланиб, токсик газ таъсирига қарши профилактик ва реабилитацион чора-тадбирларни такомиллаштиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: суринкали ис гази таъсири натижасида тимус ва талоқда юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларнинг эрта аниқланиши ва биофаол моддаларнинг протектив қўлланилиши патологик жараёнларнинг оғирлашувини камайтиришга хизмат қилади. Натижада касалликнинг асоратланган шаклларини даволашга кетадиган қўшимча лаборатор, инструментал ва стационар даволаш харажатлари қисқаради. Профилактик ва эрта коррекция чора-тадбирларини қўллаш ҳисобига 1 нафар беморни даволаш жараёнида ўртача тиббий харажатлар камайиши кузатилиб, бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконияти яратилади ҳамда иқтисодий самарадорликка эришилади. *Хулоса:* суринкали ис гази таъсири шароитида турли ёш даврларидаги оқ зотсиз каламушларда тимус ва талоқнинг морфологик ўзгаришлари тизимли равишда аниқланиб, кортекс–медулла нисбатидаги силжишлар ҳамда лимфоид структуралардаги регрессив жараёнлар илмий асосланди.

иккинчи илмий янгилик: илк маротаба сурункали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги дамламаси билан коррекция қилиш орқали тимусда кортекс ва медулла нисбатининг меъёрлашуви, лимфоцитлар зичлигининг ортиши ҳамда талоқда оқ пульпа ва лимфоид фолликулалар структурасининг тикланиши, герминатив марказлар фаоллигининг ошиши билан намоён бўлиши исботланган таклифлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 29.12.2025 йилдаги 271-сон, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 31.01.2026 йилдаги 6-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 26.12.2025 йилдаги 432-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*:

сурункали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги дамламаси ёрдамида коррекция қилиш орқали иммун тизим органларидаги морфофункционал ўзгаришларни тиклаш имконияти яратилди, лимфоид тузилмаларнинг архитектоникасини сақлаш ва иммун жавобни меъёрлаштириш орқали захарланиш асоратларини камайтиришга эришилди. Ушбу ёндашув токсик газ таъсирига қарши профилактика ва реабилитация чора-тадбирларини такомиллаштиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: гулимахсар ўсимлиги дамламаси асосидаги коррекция усулини қўллаш натижасида сурункали ис гази таъсирида юзага келадиган патологик ўзгаришларнинг олдини олиш ва эрта бартараф этиш имконияти кенгайди. Бу эса касалликнинг оғир шаклларини даволашга сарфланадиган қўшимча лаборатор, инструментал ва стационар харажатларни қисқартиришга олиб келади. Профилактик ва коррекцион чораларни қўллаш орқали тиббий хизмат харажатларини камайтириш ва бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилади. *Хулоса*: сурункали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги дамламаси билан коррекция қилиш тимус ва талоқдаги морфологик ўзгаришларни бартараф этиб, лимфоид структураларни тиклаш ва иммун тизим фаолиятини меъёрлаштиришда самарали эканлиги экспериментал жиҳатдан асосланди.

учинчи илмий янгилик: сурункали ис гази таъсиридан кейин қушқўнмас ўсимлиги мойи таъсирида тимусда кортекс–медулла нисбатининг меъёрлашуви, лимфоид ҳужайралар зичлигининг ортиши, талоқда оқ пульпа ва лимфоид фолликулалар архитектоникасининг сақланиши ҳамда деструктив ўзгаришларнинг камайиши илмий асослаб берилган таклифлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 29.12.2025 йилдаги 271-сон, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 31.01.2026 йилдаги 6-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 26.12.2025 йилдаги 432-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: сурункали ис гази таъсиридан кейин қушқўнмас ўсимлиги мойини қўллаш орқали иммун тизим органларидаги деструктив ўзгаришларни камайтириш, лимфоид тузилмалар архитектоникасини сақлаш ва иммунологик реактивликни меъёрлаштириш имконияти яратилди. Бу эса захарланиш асоратларини камайтириш ва организмнинг ҳимоя қобилиятини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: қушқўнмас ўсимлиги мойи асосидаги коррекцион усулни қўллаш натижасида патологик ўзгаришларнинг олдини олиш ва уларни эрта босқичда бартараф этиш имконияти кенгайди. Бу эса касалликнинг оғир шаклларини даволаш учун сарфланадиган қўшимча лаборатор, инструментал ва стационар харажатларни қисқартиришга олиб келади ҳамда тиббий хизмат харажатларини оптималлаштириш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлайди. *Хулоса*: сурункали ис гази таъсиридан кейин қушқўнмас ўсимлиги мойи қўлланилиши тимус ва талоқдаги морфологик ўзгаришларни камайтириб, лимфоид тузилмаларни сақлаш ва иммун тизим фаолиятини меъёрлаштиришда самарали эканлиги экспериментал жиҳатдан асосланди.

тўртинчи илмий янгилик: биринчи марта назорат, сурункали ис гази таъсир эттирилган ва коррекция қилинган гуруҳларда тимус ҳамда талоқ

тўқималарида CD3, CD20 ва Bcl-2 маркерлари экспрессиясида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланиб, биофаол моддалар таъсирида иммунокомпетент ҳужайралар экспрессиясининг меъёрлашиш тенденцияси аниқланган таклифлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 29.12.2025 йилдаги 271-сон, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 31.01.2026 йилдаги 6-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 26.12.2025 йилдаги 432-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: иммуногистокимёвий маркерлар (CD3, CD20, Bcl-2) орқали тимус ва талоқдаги ўзгаришларни баҳолаш имконияти кенгайиб, иммун тизимдаги бузилишларни эрта аниқлаш ва уларни мақсадли коррекция қилиш имконияти яратилди. Бу эса захарланиш асоратларини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: иммуногистокимёвий тадқиқот усулларини амалиётга жорий этиш орқали патологик жараёнларни эрта босқичда аниқлаш ва самарали коррекция қилиш имконияти ошади. Натижада касалликнинг оғир асоратларини даволаш учун сарфланадиган қўшимча лаборатор, инструментал ва стационар харажатлар қисқаради ҳамда тиббий хизмат харажатларини оптималлаштириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилади. *Хулоса*: сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқ тўқималарида иммуногистокимёвий маркерлар экспрессиясининг ўзгариши аниқланиб, биофаол моддалар таъсирида уларнинг меъёрлашиши иммун тизим ҳолатини баҳолаш ва коррекция қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий асосланди.

бешинчи илмий янгилик: суринкали ис гази таъсиридан кейин гулимахсар ўсимлиги дамламаси ва қушқўнмас ўсимлиги мойи қўлланилганда тимус ва талоқдаги деструктив морфологик ўзгаришларнинг камайиши, лимфоид тузилмалар архитектоникасининг сақланиши ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичларнинг меъёрлашиш тенденцияси аниқланиб, илмий жиҳатдан асосланган таклифлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 29.12.2025 йилдаги 271-сон, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 31.01.2026 йилдаги 6-сон ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг 26.12.2025 йилдаги 432-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: гулимахсар ўсимлиги дамламаси ва қушқўнмас ўсимлиги мойини қўллаш орқали сурункали ис гази таъсирида юзага келадиган деструктив ўзгаришларни камайтириш, лимфоид тузилмаларни сақлаш ва иммун тизим фаолиятини барқарорлаштириш имконияти яратилди. Бу эса захарланиш асоратларини камайтириш ва организмнинг ҳимоя қобилиятини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги*: биофаол моддаларни комплекс қўллаш орқали патологик жараёнларнинг ривожланишини чеклаш ва уларни эрта босқичда бартараф этиш имконияти кенгайди. Бу эса касалликнинг оғир шаклларини даволашга кетадиган қўшимча лаборатор, инструментал ва стационар харажатларни қисқартиришга олиб келади ҳамда тиббий хизмат харажатларини оптималлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади. *Хулоса:* сурункали ис гази таъсирида гулимахсар ўсимлиги дамламаси ва қушқўнмас

ўсимлиги мойини қўллаш тимус ва талоқдаги морфологик ўзгаришларни камайтириш, лимфоид тузилмаларни сақлаш ҳамда иммуногистокимёвий кўрсаткичларни меъёрлаштиришда юқори самарадорликка эга эканлиги экспериментал жиҳатдан асосланди.

Олинган натижалар юзасидан “Сурункали ис гази таъсирида тимус ва талоқда кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар ва бунга биофаол моддаларнинг таъсири” мавзусида илмий янгиликни соғлиқни сақлашни бошқа муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 26 июндаги 10/28-сон хулосаси берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий мақола, шулардан докторлик диссертациялари (DSc) нинг асосий илмий ютуқларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 192 бетлик компютерда ёзилган матнда тақдим этилган**.**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали ис гази таъсирининг иммун тизим органларига таъсири”** деб номланган биринчи бобида талоқнинг меъёрий анатомо-морфологик тузилиши ва унга турли ташқи муҳит омилларининг таъсири бўйича замонавий қарашлар, тимуснинг меъёрий анатомо-морфологик тузилиши ва унга ташқи муҳит омилларининг таъсири, сурункали ис газининг организмга патогенетик таъсир механизмлари ва иммун тизимдаги морфофункционал ўзгаришлар, биофаол моддаларнинг протектив морфологик таъсир хусусиятларини тавсифловчи илмий манбаалар таҳлили олиб борилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усулларининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материали ва усуллари баён этилган.

Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Тадқиқотнинг экспериментал қисмида 1 ой давомида

жами 250 та эркак жинсига мансуб 2 ва 8 ойлик оқ зотсиз лаборатория каламушлари ўрганилган. Тажриба бошида 2 ва 8 ойлик бўлган ҳайвонлар 1 ойлик ис гази таъсиридан сўнг мос равишда 3 ва 9 ойликка тўлган. Лаборатория ҳайвонлари билан ишлаш жараёнида биологик хавфсизлик талаблари, ҳайвонлар билан ишлаш этика қоидалари ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилган. Тажрибалар бошланишидан олдин барча жинсий етук каламушлар бир ҳафта давомида карантин шароитида сақланган. Карантин даврида ҳайвонларда соматик ва юқумли касалликлар аниқланмаган. Кейинчалик ҳайвонлар стандарт виварий шароитига ўтказилган ва тадқиқот давомида уларнинг физиологик ҳолати ҳамда хулқ-атвори мунтазам назорат қилинган.

Сурункали интоксикация моделини ҳосил қилиш мақсадида (Сурункали углерод оксиди интоксикацияси модели Hampson N.B. (2018) ва Rose J.J. ва ҳаммуаллифлар (2017) томонидан тавсия этилган экспериментал ёндашувлар асосида модификация қилинган ҳолда яратилди) ис гази (углерод оксиди, CO) сунъий равишда олинган. Бунинг учун махсус герметик ёпиқ камера тизимидан фойдаланилган бўлиб, табиий газнинг чекланган кислород шароитида чала ёниши натижасида ис гази ҳосил қилинган. Ҳосил бўлган газ махсус металл генератор камерасидан резина найчалар орқали экспозиция камерасига узатилган. Экспозиция камерасида углерод оксиди концентрацияси доимий назорат қилиниб, сурункали ис гази таъсирининг экспериментал модели яратилган. Эксперимент жараёнида экспозиция камерасидаги ис гази концентрацияси 0,01–0,05 мг/л доирасида барқарор сақланган. Газ концентрацияси ҳар 10–15 дақиқада портатив газ анализатори ёрдамида мониторинг қилинган ва зарурат туғилганда генератор қуввати орқали мувофиқлаштирилган. Камера муҳитида кислород танқислиги ривожланишининг олдини олиш мақсадида минимал шамоллатиш режими қўлланилган.

Тажриба ҳайвонлари ёши ва тадқиқот мақсадига мувофиқ равишда назорат, тажриба ҳамда коррекция гуруҳларига ажратилган. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлар стандарт виварий шароитида сақланган. Тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларда сурункали ис гази таъсири модели шакллантирилган. Коррекция гуруҳларида эса сурункали ис гази таъсиридан кейин биофаол моддалар сифатида гулимахсар ўсимлиги дамламаси ҳамда қушқўнмас ўсимлиги мойининг таъсири ўрганилган.

Тадқиқот давомида тимус ва талоқ тўқималаридан олинган материаллар морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва иммун фенотиплаш усуллари ёрдамида таҳлил қилинган. Олинган натижалар асосида сурункали ис гази таъсирида иммун тизими органларида ривожланадиган морфофункционал ўзгаришлар ҳамда уларни биофаол моддалар ёрдамида коррекция қилиш имкониятлари баҳоланган.

Тажриба ҳайвонлари тадқиқот дизайнига мувофиқ тўртта гуруҳга ажратилган: I – назорат (n=60), II – сурункали CO интоксикацияси модели (n=70), III – сурункали CO интоксикацияси ва қушқўнмас мойи билан коррекция қилинган гуруҳ (n=60), IV – сурункали CO интоксикацияси ва гулимахсар дамламаси билан коррекция қилинган гуруҳ (n=60) (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба ҳайвонларининг тадқиқот дизайнига мувофиқ гуруҳларга тақсимланиши

Гуруҳлар	**Тажриба мазмуни**	**3 ойлик эркак каламушлар (n=125)**	**9 ойлик эркак каламушлар (n=125)**	**Жами**
I	Назорат гуруҳи	30	30	60
II	Ис гази билан сурункали заҳарланиш модели (0,01–0,05 мг/л дозада 1 ой давомида ис гази таъсир эттирилган)	31 (4*)	29 (6*)	60 (10*)
III	Ис гази билан сурункали заҳарланиш фонида қушқўнмас мойи билан 1 ой давомида коррекция қилинган гуруҳ	30	30	60
IV	Ис гази билан сурункали заҳарланиш фонида гулимахсар дамламаси билан 1 ой давомида коррекция қилинган гуруҳ	30	30	60
Жами		*121 (4)**	*119 (6)**	*240 (10)**

Изоҳ: * – тажриба давомида нобуд бўлган каламушлар сони.

Коррекция гуруҳларидаги ҳайвонларга биофаол моддалар интрагастрал усулда металл зонд ёрдамида юборилган. Биринчи коррекция гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларга бир ой давомида ҳар куни 0,1 мл ҳажмда қушқўнмас ўсимлиги мойи қўлланилган.

Иккинчи коррекция гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларга эса бир ой давомида ҳар куни металл зонд орқали 0,1 мл ҳажмда гулимахсар ўсимлиги дамламаси юборилган. Гулимахсар дамламаси 1:10 нисбатда тайёрланган бўлиб, уни тайёрлашда қуритилган ва майдаланган ўсимлик хомашёси дистилланган сув билан аралаштирилган, 80–90°C ҳароратда 30 дақиқа давомида сув ҳаммомида тиндирилган, кейин фильтрланган ва хона ҳароратигача совитилгандан сўнг қўлланилган.

Қушқўнмас ўсимлиги мойи ва гулимахсар дамламасининг дозаси лаборатория ҳайвонларининг физиологик ҳолати, препаратни интрагастрал юбориш имконияти ҳамда дастлабки экспериментал кузатувлар натижалари асосида танланди. Танланган ҳажм тажриба давомида токсик таъсир чақирмаган ва биологик самарадорликни таъминлаган.

Тимус ва талоқ тўқималарининг морфологик хусусиятларини баҳолаш мақсадида гистологик текширувлар амалга оширилган. Бунинг учун олинган материаллар стандарт гистологик ишловдан ўтказилиб, парафин блоклардан тайёрланган кесмалар гематоксилин-эозин усулида бўялган. Микроскопик таҳлил давомида тимуснинг пўстлоқ ва мағиз қисмлари ҳолати, лимфоид ҳужайралар зичлиги ҳамда стромал ўзгаришлар, шунингдек талоқнинг оқ ва қизил пульпаси, лимфоид фолликулалари ва микроциркулятор тузилмаларида кузатилган морфологик ўзгаришлар комплекс баҳоланган.

Морфометрик таҳлилда тимуснинг кортекс ва медулла майдони, уларнинг нисбати, лимфоцитлар зичлиги, талоқнинг оқ ва қизил пульпа нисбати, лимфоид фолликулалар ҳамда герминатив марказлар диаметри баҳоланди. Ҳар бир ҳайвондан камида 10 та тасодифий кўриш майдони ×100 ва ×400 катталаштиришларда таҳлил қилинди. Морфометрик ўлчашлар рақамли тасвирлар асосида амалга оширилди.

Иммуногистокимёвий тадқиқотлар тимус ва талоқ тўқималарида иммунокомпетент ҳужайралар популяцияси ҳамда апоптоз жараёнларини баҳолаш мақсадида ўтказилган. Бунда Т-лимфоцитларни аниқлаш учун CD3, В-лимфоцитларни баҳолаш учун CD20 ва антиапоптотик фаолликни ўрганиш учун Bcl-2 маркерларидан фойдаланилган. Олинган натижалар асосида сурункали ис гази таъсири шароитида лимфоид тўқималарнинг иммуноморфологик ҳолати, Т- ва В-ҳужайралар популяцияси ҳамда апоптоз жараёнларидаги ўзгаришлар комплекс баҳоланган. Иммуногистокимёвий бўяш стандарт протокол асосида бажарилиб, CD3, CD20 ва Bcl-2 га қарши бирламчи антителолар қўлланилди. Маркерлар экспрессияси иммунореактив ҳужайралар улуши ва бўялиш интенсивлиги асосида баҳоланди.

Иммунофенотиплаш тимус ва талоқ тўқималарида иммунокомпетент ҳужайралар популяциясининг таркибий хусусиятларини баҳолаш мақсадида амалга оширилди. Ушбу усул ёрдамида CD3-позитив Т-лимфоцитлар, CD20-позитив В-лимфоцитлар ҳамда Bcl-2 экспрессия қилувчи ҳужайраларнинг нисбий улуши ва тўқимадаги тақсимланиши қиёсий баҳоланди. Иммуногистокимёвий бўяш натижалари рақамли морфометрия воситасида таҳлил қилиниб, турли тажриба гуруҳларида иммунокомпетент ҳужайралар фенотипининг ўзгаришлари баҳоланди. Шу тариқа, мазкур усул иммуногистокимёвий реакция натижалари асосида иммун ҳужайралар популяциясининг фенотипик таркибини қиёсий таҳлил қилишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларига параметрик ва нопараметрик статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. Морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни таҳлил қилишда Microsoft Excel, IBM SPSS Statistics ва Statgraph дастурларидан фойдаланилган ҳамда натижаларнинг ишончлилиги Student ва Mann–Whitney мезонлари асосида баҳоланган. Фарқларнинг статистик аҳамиятлилик даражаси $p<0,05$ деб қабул қилинган.

Рақамли тасвирларни таҳлил қилишда QuPath (v0.5.0) дастурий таъминоти элементларидан фойдаланилди. Препаратлардаги иммунореактив ҳужайралар автоматик сегментация ва рақамли морфометрик таҳлил асосида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Меъёрий ҳолатда, сурункали ис гази таъсири ва коррекциялаш натижасида талоқнинг морфологик хусусиятлари бўйича шахсий тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобида талоқ тўқималарининг гематоксилин-эозин, Ван-Гизон ва алциан кўки билан бўялган гистологик препаратларида аниқланган морфологик ҳамда морфометрик ўзгаришлар ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилинган, шунингдек сурункали ис гази таъсирида ривожланган патоморфологик ўзгаришлар ва уларнинг коррекцияланиш динамикаси ёритилган.

Меъёрий шароитда 3 ва 9 ойлик каламушлар талоғининг морфометрик кўрсаткичлари қиёсий ўрганилганда ёшга боғлиқ морфофункционал ўзгаришлар аниқланган. Хусусан, 3 ойлик ҳайвонларда талоқ узунлиги ўртача 26,34±0,58 мм, кенглиги 5,81±0,24 мм ва қалинлиги 2,86±0,18 мм ни ташкил этган бўлса, 9 ойлик каламушларда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 33,86±0,71 мм, 6,41±0,24 мм ва 3,14±0,16 мм гача ошиб, узунлик 28,5%, кенглик 10,3% ва қалинлик 9,8% га ортиши кузатилган. Шу билан бирга, оқ пульпанинг нисбий майдони 22,6±0,54% дан 20,36±0,37% гача камайиб, лимфоид тугунчаларнинг кўпайиш марказлари диаметри 143,5±6,1 мкм дан 125,4±2,41 мкм гача қисқарган. Аксинча, периартериал лимфоид муфталар диаметри 131,2±1,42 мкм дан 136,9±0,88 мкм гача ошган, улардаги лимфоцитлар сони эса 46,5±1,02 тадан 59,8±0,79 тагача кўпайган. Бириктирувчи тўқима элементларининг нисбий майдони ҳам 5,48±0,09% дан 6,28±0,09% гача ортган. Аниқланган ўзгаришлар ёш ортиши билан талоқда стромал компонентларнинг нисбатан кўпайиши, лимфоид тўқималарда эса функционал қайта қурилиш жараёнлари кечиши ҳамда иммун тизимининг морфологик мослашув механизмлари фаоллашиши билан изоҳланган (1-расм).



1-расм. Назорат гуруҳидаги 3 ойлик оқ зотсиз лаборатория каламуши талоғининг микроскопик тузилиши (гематоксилин-эозин, ×100). 1 – оқ пульпа; 2 – герминатив марказли лимфоид тугунча; 3 – қизил пульпа; 4 – марказий артерия.

Сурункали ис гази таъсири натижасида 3 ва 9 ойлик каламушлар талоғида яққол морфометрик ва морфологик ўзгаришлар аниқланган. Хусусан, 3 ойлик ҳайвонларда оқ пульпанинг нисбий майдони меъёрий кўрсаткичга нисбатан 22,6±0,54% дан 14,3±0,35% гача камайиб, 36,7% редукцияланган бўлса, 9 ойлик каламушларда мазкур кўрсаткич 20,36±0,37% дан 18,94±0,53% гача пасайган. 3 ойлик тажриба гуруҳида периартериал лимфоид муфталар диаметри 131,2±1,42

мкм дан 99,1±0,92 мкм гача, лимфоид тугунчалар диаметри эса 192,6±7,94 мкм гача камайган ҳамда кўпайиш марказлари аниқланмаган. 9 ойлик ҳайвонларда эса ПАЛМ диаметри 134,8±0,94 мкм, лимфоид тугунчалар диаметри 392,7±7,02 мкм ва кўпайиш марказлари диаметри 118,7±2,34 мкм ни ташкил этган. Шу билан бирга 3 ойлик каламушларда лимфоид тугунчалар ва ПАЛМ таркибидаги лимфоцитлар сонининг сезиларли камайиши кузатилган бўлса, 9 ойлик ҳайвонларда мазкур кўрсаткичлар нисбатан юқори сақланган. Аниқланган ўзгаришлар сурункали гипоксия, микроциркулятор бузилишлар ва оксидатив стресс таъсирида талоқнинг иммунокомпетент тузилмаларида инволютив жараёнлар ривожланганлигини кўрсатган. Ёш ҳайвонларда морфологик ўзгаришларнинг яққолроқ намоён бўлиши уларнинг ис гази таъсирига нисбатан юқори сезгирлиги билан изоҳланган (2-расм ва 2-жадвал).



-расм. Сурункали СО таъсирига учраган 3 ойлик каламуш талоғи. Гематоксилин-эозин, ×100. Оқ пульпа майдонининг камайиши, лимфоид фолликулаларнинг кичрайиши ҳамда қизил пульпанинг кенгайиши кузатилади. 1 - оқ пульпа; 2 - лимфоид фолликула; 3 - қизил пульпа; 4 — марказий артерия.

Олинган морфометрик натижалар сурункали СО таъсирида ёш ҳайвонларда лимфоид тузилмаларнинг редукцияси каттароқ намоён бўлишини кўрсатди. Бу эса уларнинг токсик таъсирга юқори сезгирлигини кўрсатади.

Сурункали ис гази таъсири натижасида талоқда ривожланган морфологик ўзгаришларни қушқўнмас мойи ёрдамида коррекциялаш оқибатида лимфоид тузилмаларнинг қисман тикланиши кузатилган. Хусусан, 3 ойлик каламушларда оқ пульпанинг нисбий майдони 14,3±0,35% дан 17,46±0,41% гача, лимфоид тугунчалар диаметри 192,6±7,94 мкм дан 287,6±8,74 мкм гача ва ПАЛМ диаметри 99,1±0,92 мкм дан 111,3±1,04 мкм гача ошган. Ис гази таъсирида аниқланмаган кўпайиш марказларининг қайта шаклланиб, улар диаметрининг 96,5±3,01 мкм ни ташкил этиши иммуногенез жараёнларининг

фаоллашганлигидан далолат берган. 9 ойлик ҳайвонларда оқ пульпа майдони 19,42±0,39% гача, лимфоид тугунчалар диаметри 409,8±8,12 мкм гача ва ПАЛМ таркибидаги лимфоцитлар сони 58,7±0,94 тагача тикланган. Олинган натижалар қушқўнмас мойининг протектив морфологик таъсир хусусиятлари ҳисобига талоқнинг морфофункционал ҳолатини яхшилашини кўрсатган.

2-жадвал

Сурункали ис гази таъсири остида талоқнинг органометрик ва морфометрик кўрсаткичлари (3 ва 9 ойлик каламушларда), M±m

Морфометрик кўрсаткич	**3 ойлик назорат (M±m)**	**3 ойлик СО**	**9 ойлик назорат (M±m)**	**9 ойлик СО**
Талоқ узунлиги (мм)				
Талоқ кенглиги (мм)				
Талоқ қалинлиги (мм)				
Оқ пульпанинг нисбий майдони (%)				
Бириктирувчи тўқима улуши (%)				
ПАЛМ диаметри (мкм)				
Лимфоид тугунча диаметри (мкм)				
Кўпайиш маркази диаметри (мкм)		Аниқланмади		
Мантия зонаси кенглиги (мкм)				
Чегара зонаси кенглиги (мкм)				
Периартериал зона кенглиги (мкм)				
Лимфоцитлар сони (тугунчада)				
Лимфоцитлар сони (ПАЛМда)				

Изоҳ: *M±m — ўртача қиймат ± стандарт хатолик. * — назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (**P < 0,05**). ** — назорат гуруҳига нисбатан фарқ юқори даражада ишончли (**P < 0,01**). *** — назорат гуруҳига нисбатан фарқ жуда юқори даражада ишончли (**P < 0,001**). **«Аниқланмади»** — морфологик кесимларда кўпайиш марказлари кузатилмаганлиги сабабли морфометрик ўлчов амалга оширилмаган.*

Сурункали ис гази таъсири шароитида гулимахсар дамламасини қўллаш талоқдаги иммуноморфологик бузилишларнинг камайишига олиб келган. Жумладан, 3 ойлик каламушларда оқ пульпанинг нисбий майдони 17,35±0,41% гача, лимфоид тугунчалар диаметри 286,4±8,51 мкм гача ва ПАЛМ диаметри 111,1±1,02 мкм гача ошган. Кўпайиш марказларининг қайта пайдо бўлиши ва улар диаметрининг 95,9±2,94 мкм ни ташкил этиши лимфоид тўқималарда пролифератив жараёнларнинг фаоллашганлигини кўрсатган. 9 ойлик ҳайвонларда оқ пульпа майдони 19,41±0,39% гача, лимфоид тугунчалар

диаметри 408,9±8,34 мкм гача ва ПАЛМ таркибидаги лимфоцитлар сони 58,8±0,94 тагача ортиши қайд этилган. Морфометрик кўрсаткичларнинг меъёрий ҳолатга яқинлашиши гулимахсар дамламасининг протектив морфологик таъсири мембранопротектор ва иммунокоррекцияловчи таъсири билан изоҳланган (3-жадвал).

-жадвал

Сурункали ис гази таъсиридан кейинги коррекция шароитида талоқнинг морфометрик кўрсаткичлари (M±m)

Морфометрик кўрсаткич	**3 ойлик CO**	**3 ойлик Қушқўнмас**	**3 ойлик Гулимахсар**	**9 ойлик CO**	**9 ойлик Қушқўнмас**	**9 ойлик Гулимахсар**
